Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 16 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 122 (13.185)

Баҳоси эркин нархда

“ТОШКЕНТ — БОЙ ТАРИХГА ЭГА ИЛҒОР МЕГАПОЛИС”

Тошкент — Марказий Осиё юрагида жойлашган, кўҳна ва шонли тарихга эга замонавий мегаполис, дунёга машҳур мустақил Ўзбекистон пойтахти. У бугунги кунда саёҳат ишқибозлари, ишбилармонлар, илм-фан намояндалари, тадқиқотчилар, ўзбек халқининг бой ҳамда бетакрор мероси ихлосмандларини ўзига маҳлиё этмоқда.

Хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган кўпдан-кўп ранг-баранг мақолалар ҳам юртимиз тарихи, унинг бугунги тараққиётига нисбатан қизиқиш катта эканлигининг далолатидир. Уларда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган салмоқли ва кенг қамровли муваффақиятлари ўз ифодасини топаётир.

Хусусан, **Германиянинг “FairNews” ахборот ресурси** ўз порталида Тошкентга бағишланган мақолани эълон қилди. Унда пойтахтимиз ўтмиши, тикланиш босқичлари ҳамда ҳозирги қиёфаси билан боғлиқ маълумотлар немис ўқувчилари эътиборига ҳавола этилган.

“Кишини ўзига оҳанрабодек тортадиган мазкур кент, у ердаги одамлар, кўтаринки муҳитни тўлалигича тасвирлашга сўз ожизлик қилади. Буни Тошкентга борган хорижлик меҳмонлар яхши билишади. Ушбу маскан ўзига хос ва бетакрордир. Шоирлар қадим замонларда бу заминни жаннат боғига менгзаб, унинг донини татиб кўрган чумчуқ ҳатто Маккадан ҳам қайтиб келади, деб ёзишган”, дейилади мақолада.

Алоҳида тўхталиб ўтилганидек, Тошкент ўзининг 2200 йиллик тарихи мобайнида мудофаа деворлари билан ўралган кўҳна қалъадан то Ўзбекистон Республикаси пойтахтигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтган. “Шаҳар жаҳонга машҳур кишилар — атоқли олимлар, мураббий ва мутафаккирлар, улуғ санъаткорлар, адиблар, спорт усталари, жамоат арбоблари ҳамда тадбиркорларни етказиб берган. Уларнинг донишмандлиги, меҳнаткашлиги ва иқтидори ҳамда шаҳарнинг қатор фазилатлари Тошкентни том маънодаги илғор мегаполис, юксак тамаддунлар чорраҳаси, шунингдек, бутун минтақанинг энг муҳим марказига айлантирди...

Ўзбекистон пойтахти жаҳон сиёсий ва ишбилармонлар элитасини ўзига жалб этаётган ҳудуд сифатида ҳам хизмат қилаяпти. Бу ерда энг юқори даражадаги йирик халқаро форумлар мунтазам равишда ўтказиб келинади. Сўнгги йилларнинг ўзида Тошкентда ШҲТ давлат ва ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси мажлислари, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё кўёш энергияси форуми сингари кўплаб нуфузли анжуман, шунингдек, симпозиумлар уюштирилгани бунинг тасдиғидир”, дея ёзилади порталда.

Электрон нашр шаҳар қиёфасини тасвирлар экан, Тошкент тарихий ўзига хослигини сақлаб қолгани ҳолда, янгиланишда давом этиб, борган сари кўркам қиёфага эга бўлаётганини маълум қилди. Мақолада миллий меъморчилик ва илғор шаҳарсозлик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ҳолда бунёд этилаётган турар жойлар, ижтимоий объектлар, соясалқин хиёбонлар, кўркам меҳмонхоналар, йўллар, кўприклар маҳаллий аҳоли ҳамда унинг меҳмонларига қулай шароитларни яратаётганига тўхталиб ўтилган. Унда Ватанимиз истиқлоли тимсоллари — Мустақиллик майдони, у ердаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, муаззам Эзгулик аркаси, Хотира майдони ҳамда мангу олов ёнидаги Мотамсаро она ҳайкали энг диққатга сазовор жойлар сифатида қаламга олинган. Баландлиги 375 метрни ташкил қилувчи Тошкент телеминораси ҳамда Марказий Осиёдаги ягона ва дунёдаги энг гўзал ер ости инфратузилмаларидан бири ҳисобланадиган метрополитен ўзбекистонликларнинг фахру ифтихори эканлиги айтиб ўтилган.

Материалда Чорсу бозори, Ҳазрати Имом (Хастимом), Шайх Зайниддин, Шайх Ҳованди Тоҳур, Қалдирғоч-бия, Юнусхон меъморий обидалари сингари ёдгорликлар ҳақида ҳам сўз юритилган.

“Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йили “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилингани бежиз эмас. Бу мамлакат ҳаётида катта аҳамият касб этган воқеалардан бири бўлди”, дея фикр билдирилган мақолада.

Шулар қаторида интернет сайтида диёримизда тинчликсеварлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, динлараро бағрикенглик муҳити мустаҳкам қарор топганига алоҳида урғу берилган.

Бинобарин, муаллиф мақола хулосасида ўз ҳамюртларини меҳмондўстлиги ва мазали таомлари билан дунёда донг таратган эртакмонанд Тошкент шаҳрига ташриф буюриб, ана шу обод манзаралардан баҳра олишга чорлаган.

“Жаҳон” АА.
Берлин

---

25 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



АРЗОН ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Президентимизнинг шу йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида мустақилликкача юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани қайд этилган.

...Пойтахтимиздаги “Корзинка” супермаркетида невараси Бобуржон билан айланиб юрган сурхондарёлик Зайнаб момо бу ердаги ораставлигу тўкинлик, сотувчиларнинг хушмуомаласию ширинсўзлигидан мамнун бўлди. Қандолат маҳсулотлари растасидаги бири-биридан чиройли қадоқланган конфетларнинг қай бирини танлашни билмай иккиланди. Деярли барчасига “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деб ёзилганини кўриб янада қувонди.

– Набирам Бобуржон ҳам худди отаси Баҳодиржон сингари ширинликка ўч, – дейди Зайнаб момо Жўраева. – Бундан 25 йил аввал биров ҳали тўкинлик замони келади, ҳамма нарса мўл-кўл бўлади, деса ҳеч ким ишонмасди. Чунки у пайтларда магазинлар қуп-қуруқ, ҳамма нарса тақчил эди-да. Ҳатто шакару парвардани ҳам рўйхат орқали навбат билан берарди. Пишириклару қандолат маҳсулотларини-ку айтмасаям бўлади. Ҳозир дўкон ҳам кўп, маҳсулот ҳам сероб. Бундай фаровонликка истиқлол шарофати, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли эришдик.

Мустақилликдан олдин республикамизга ширинликлар асосан четдан келтириларди. Бугун мамлакатимизда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 1200 дан зиёд катта-кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳа жадал ривожланаётган тармоқлардан бирига айланган.

“Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясига қарашли 27 корхонада, жумладан, “Бону ширинликлари”, “Renessans Dizayn”, “Class food servis”, “Fibber”, “Fayz dekor biznes”, “Rossi plus” каби корхоналарда конфет, мармелад, ҳолва ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бу ички бозорни арзон, сифатли ва рақобатбардош ширинликлар билан тўлдириш имконини бераётир.

– “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси аҳолига истеъмол товарлари, ўсимлик ёғи, маргарин, қандолат маҳсулотлари, майонез, шакар ва бошқа маҳсулотлар етказиб бераётган юздан зиёд корхонани ўз таркибида бирлаштирган, – дейди компания бош мутахассиси Н.Осмонов. – Маҳсулотларимизнинг бир қисми экспортга ҳам чиқарилаётир. Компанияга қарашли корхоналарда 2015 йилда 135 турдаги қарийб 16 минг тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг шу пайтигача 137 турдаги 18 минг 850 тонна маҳсулот тайёрланган. Соҳада янги корхоналар кўпайиб бораётгани аҳоли, хусусан, коллеж битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимизда “Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хусусий мулкни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОРЛИК ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, Бош прокуратура, Адлия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар мустақиллик йиллари мулкдорлар синфи жамиятимизнинг қудратли таянчига айлангани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етганини алоҳида таъкидлади.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулкни ишончли муҳофаза қилишга оид яратилган қонунчилик базаси мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиши, фуқароларнинг тадбиркорлик фаоллиги ошишига замин яратди. Жаҳон банкининг эътирофига кўра, Ўзбекистон тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган ўнта давлатдан бири бўлди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи миллий институтлар ва жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Улар томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари учун масъул шахслар, жумладан, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ваколатли давлат органларининг жавобгарлиги муқаррарлиги таъминланиши устидан назоратни кучайтиришга қаратилган комплекс ва тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунда ижтимоий шериклик тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ҳам амалга оширилиши ўз ифодасини топган.

Бош прокуратурада фуқаролар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини узлуксиз қабул қилиш электрон тизими фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур тизимга 34 идора, прокуратура органларининг вилоят ва туман бўлинмалари бириктирилган. Мурожаатлар бўйича тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминланмоқда.

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш эркинлигига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Омбудсман фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Савдо-саноат палатаси туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда жойларда “Тадбиркорлар куни” ташкил этилиб, унда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган режали текширувларда иштирок этиш ва унинг ҳаққонийлиги юзасидан сўровнома ўтказиш йўлга қўйилган.

Анжуманда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва хусусий мулк ҳимояси соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама этилди.

Тадбир якунида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Гулистон шаҳрида ўтказилган “Йил тарбиячиси – 2016” кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичида 11 нафар мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси баҳслашди.

• Самарқанд шаҳрида ёш оилалар учун бунёд этилган “Камолот” уйи фойдаланишга топширилди. 48 хонадондан иборат “Камолот” уйи турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб, тенгдошларига намуна бўлаётган ёшларга берилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, 2017 йилда ҳам вилоятнинг уч ҳудудида 144 ёш оилага мўлжалланган “Камолот” уйлари қурилиши режалаштирилган.

• Ўрта Чирчиқ туманидаги “Меҳржон” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Саховат – беназир қадрият” лойиҳаси доирасида “Болаларга эътибор – келажакка пойдевор” мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

• Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги 2-оилавий поликлиникада ўтказилган тадбир “Соғлом фарзанд – соғлом келажак” деб номланди. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг туман кенгаши “Аёллар” ва “Ёш адолатчилар” қаноти аъзолари, маҳалла фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Жиззах шаҳридаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази капитал таъмирдан чиқарилган янги бинода иш бошлади. Ушбу марказ 2013–2018 йилларда туман ва шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш марказларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича белгиланган вилоят дастурига мувофиқ жорий йилда ишга туширилган иккинчи иншоот. Бундан аввал Пахтакор тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази реконструкциядан сўнг фойдаланишга топширилган эди.

ЖАҲОНДА

• Қуёш батареялари орқали ҳаракатланиб, бутун жаҳон бўйлаб саёҳатни амалга ошираётган Solar Impulse 2 самолёти экипажи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида муваффақиятли қўнди. Эндиликда, у Кеннеди номли аэропорт орқали Атлантика океани устидан учиб ўтиб, Абу-Даби шаҳрида саёҳатини якунлаш ниятида.

• Кутқарувчилар Қорачой-Черкес тоғларида оёғидан жароҳат олган саёҳатчи аёлни қутқариб, хавфсиз жойга етказишга муваффақ бўлишди.

• Рио-де-Жанейро шаҳридаги Барра да Туюка соҳилида тўрт йилликнинг муҳим мусобақасида иштирок этувчи спортчилар учун Олимпия қишлоқчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ташкилотчиларнинг фикрига кўра, бу ҳудуд Олимпиада тарихидаги энг катта, муҳташам Олимпия шаҳарчаси сифатида тилга олинмоқда. Бу ерда спортчиларнинг яшаши ва маданий дам олишлари учун барча шароитлар яратилган, энг замонавий материаллардан жиҳозлар тайёрланган.

Мустақиллик миллий тараққиёт йўлини очиб берди. Истиқлолга эришганимизнинг дастлабки кунларидан жонажон Ватанимизнинг барча минтақалари, хусусан, пойтахтимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бир йил илгари Тошкентимизга келиб кетган киши бугун унинг кўчаларида адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Чунки ой сайин дилни яйратадиган гўзал ва бетакрор, бири-биридан кўркам кўплаб замонавий бино, иншоот, кўприк, йўл, бозор, спорт мажмуалари барпо этиляптики, буларнинг бари одамларга хизмат қиляпти, ҳаётимиз мазмунига мазмун қўшяпти. Мана, йигирма беш йилдирки, азим шаҳримиз ўз кўрку таровати билан том маънода замонавий мегаполисга айланди.

Биргина Эски шаҳарни олайлик. Асрлар давомида бу ҳудуд паст-қам уйлардан иборат бўлиб келган. Ундаги тор, берк ва эгри-бугри кўчалар ҳамда яшаш учун зарур шарт-шароитларнинг йўқлиги катта ноқулайликлар туғдираётган эди...

Юртбошимиз ташаббуси билан Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, мазкур ҳудудни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли ишларни олиб бориш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Жумладан, сўнгги йилларда Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида йўллар қурилди. Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада замонавий кўприк фойдаланишга топширилди. 2015 йил 25 августда Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида Осиё ва Беруний кўчаларини бир-бирига боғлайдиган Нурафшон кўчасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар эканлар, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо бериб: ***"Авваллари бирор иншоот ёки кўприк қуриш керак бўлса, кимни ёрдамга чақиришни ўйлардик. Битта кўприк қуриш учун икки-уч йил вақт кетарди. Энди мамлакатимизда замонавий шаҳарсозлик, йўлсозлик тажрибаси тўла шаклланди, кўприксозлик соҳаси пайдо бўлди"***, – деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Нурафшон кўчасининг қурилиши, аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 қаторли бу йўл транспорт ҳаракатини енгиллаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмалари бунёд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 20 ноябрдаги "2015 йилда Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий шинам турар жой фонди ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида Тошкент шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, унинг Эски шаҳар қисмида шаҳарсозлик талаблари асосида замонавий уй-жойлар қуриш, ҳудуднинг меъморий қиёфасини ва ижтимоий-маданий ҳолатини тубдан яхшилаш ҳамда аҳоли яшаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш белгиланди.

Юқорида тилга олинган қарор ижросини таъминлаш юзасидан Нурафшон кўчаси бўйлаб дастлаб жами 160 хонадондан иборат бешта беш қаватли уй қуриб битказилди. Айни пайтда жами 254 хонадондан иборат яна ўнта беш қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари 380 хонадондан иборат йигирмата кўп қаватли уйлар топширилиш арафасида турибди.

Бу ердаги замонавий турар жой биноларининг қурилиши "Юксак парвоз қурилиш", "Бинокор", "Poytaxtqurilish", "Уй-жой қурилиш", "MDF Formation", "Biti production", "Кўркам қурилиш", "Ankur" масъулияти чекланган жамиятлари ва "Dizayn-Taraqqiyot" хусусий корхонасининг қўли гул усталари томонидан олиб борилмоқда.



НУРАФШОННИНГ НУРЛИ МАНЗИЛЛАРИ

ШАҲРИМИЗДА ЯНГИ АЙЛАНМА ЙЎЛ БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Бугунги кунда Нурафшон кўчаси йўналишида барпо этилган кўп қаватли уй-жойларга аҳоли кўчиб келиб, уй тўйларини ҳам ўтказишмоқда.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, уйлар бир, икки, уч ва тўрт хонали қилиб қурилган. Хонадонлар – кенг ва ёруғ. Масалан, икки хонали уйнинг умумий майдони 70 – 80, уч хоналиники 90 – 100 квадрат метрни ташкил этади. Шифтларнинг баландлиги 3 метр бўлиб, бу уларнинг баҳаво бўлишини таъминлайди. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювиниш хонаси – яшаш ва фойдаланиш учун ҳар томонлама қулай. Юртбошимизнинг тавсиясига биноан, ҳар бир уйнинг биринчи қаватида кексалар учун мўлжалланган бир хонали квартиралар ва уларнинг рўпарасида фарзандлари учун 3 – 4 хонали хонадонлар қурилган. Мазкур кўп қаватли уйлар қурилишида шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши ҳам ҳисобга олинган. Истиқлол йилларида Тошкент катта автомобиль ҳалқа йўли жаҳон стандартларига мослаштирилди. Кичик ҳалқа йўли янгидан бунёд этилди. Аммо ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 5 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳар транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида"ги қарорига мувофиқ, шу кунларда Нурафшон кўчасининг давоми сифатида Беруний кўчасидан Оқтепа майдонигача бўлган ораликда 4,3 километр узунликдаги янги айланма йўл қурилиши, Муқимий – Шота Руставели кўчалари чорраҳасида Муқимий кўчасини Нукус кўчаси билан боғловчи замонавий кўприк ва янги йўл бунёд этиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ушбу йўл ўтказгич орқали Муқимий кўчаси орқали Тошкент аэропортига олиб борувчи Бобур кўчасига ҳамда шаҳар марказига элтувчи Нукус кўчасига деярли тўхтовсиз чиқиш имкони пайдо бўлади.

2015 йили Эски шаҳар қисмида 5,1 километр узунликдаги Нурафшон кўчаси қурилди. Унинг очилиши автотранспорт воситаларининг шаҳар марказида ҳаракатланишини анча енгиллаштирди. Илгари "Беруний" метро бекатидан шаҳар марказига машинада 20 – 25 дақиқа йўл юрилган бўлса, ҳозирги пайтда бу вақт бор-йўғи 6 – 7 дақиқани ташкил этмоқда.

Шу тариқа йўл йўналиши бўйлаб жойлашган тарихий обидалар, жумладан, Чилонзор Оқтепаси ёдгорлиги сақлаб қолинди. Унинг атрофи замон талаблари даражасида ободонлаштирилади. Натижада Осиё ва Беруний кўчалари оралиғида очилган Нурафшон кўчаси йўналиши давом эттирилиб, Кўкча дарвозасидаги Маннон Уйғур кўчасига, Маннон Уйғур кўчасида чорраҳа ташкил этилиб, шу йўналишдаги Шерозий кўчаси қамраб олингани ҳолда Қуйи Бўзсув канали устига қурилган кўприк орқали Чилонзор Оқтепаси кўчаси билан Оқтепа майдонига, Оқтепа майдонидан Муқимий кўчасига, Муқимий кўчаси бўйлаб Шота Руставели кўчасига, Шота Руставели кўчасидан кўприк орқали салкам бир километрлик очилган янги йўл орқали Бобур ва Нукус кўчаси чорраҳасига чиқилади.

Ҳеч бир йўлни кўприкларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, одамлар яшайдиган обод ерларда, албатта, дарё, анҳор ва ариқлар бўлади, иккинчидан, замонавий йўлсозликда йўл ёки темир йўли йўл билан кесишганда улардан бири йўл ўтказгич орқали ўтказилади. Бугун Тошкент шаҳрида жами юздан ортиқ кўприк бор. Таъкидлаб ўтилганидек, улар сони йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қуриб битказилган Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтган замонавий кўприк ана шу ишнинг узвий давоми бўлди.

Беруний ва Нурафшон кўчалари чорраҳасидан бошланган янги йўл Нукус, Абдулла Қодирий, Рашидов, Осиё ва Нурафшон кўчалари билан туташтирилиб, салкам 22 километрлик янги, яъни учинчи айланма йўл барпо этилди.

Амалга оширилаётган бу ишлар орқали барча турдаги транспорт воситалари ҳаракатига қулайликлар яратилади. Шу тариқа иқтисодий самарадорликка эришиш имконияти ҳам юзага келади. Айни пайтда бир нуқтадан иккинчи нуқтага бориш вақти ўрта ҳисобда камида икки-уч баравар қисқаради. Кўриниб турибдики, бунда ҳам қимматли вақт, ҳам ёқилғи тежалади.

Йўлларимизнинг равонлашиб бораётгани амалда йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин камайишига ҳам олиб келяпти. Бу кенг, равон ва ёруғ йўлдан юрганлар мустақиллик шарофати билан эришилаётган марраларимиз билан фахрланади, уларни эътироф этади.

Таъкидлаш жоизки, эндиликда Нурафшон кўчаси шаҳримизнинг янги айланма йўлига ҳам асос бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган пойтахтимиз бирданига Ўзбекистоннинг бош шаҳрига айланиб қолмаган. Бунинг замирида қатъий мақсад, истиқболли режа, пухта-пишиқ лойиҳа, оқилона раҳнамолик, катта меҳнат-машаққат, қолаверса, юксак ватанпарварлик ва фидойилик ётади.

Эргаш УБАЙДУЛЛАЕВ

АРЗОН ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаётгани ишлаб чиқариш сифати ва салмоғини оширишга хизмат қилаётир. Тошкент шаҳридаги "Lazzat Karamel" Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси бунга ёрқин мисолдир. Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва ишлаб чиқариш жараёнининг замонавий технологиялар асосида ташкил этилгани самарасида ушбу корхона қисқа фурсатда мижозларнинг севимли брендларидан бирига айланди. Биргина "Glory Food" масъулияти чекланган жамиятида "Estello", "Morelia", "L'amore", "Kelly", "Paris", "Valencia" шоколадлари тайёрланмоқда. "Tufin", "Candy Gold" ва "Choco World" каби масъулияти чекланган жамиятларда ҳам кўплаб турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркорлар учун яратилаётган шароитлар, берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган пойтахтимиздаги "Sladus Produce" масъулияти чекланган жамияти ҳам ёшларни иш билан таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

"Sladus Produce" масъулияти чекланган жамияти 2010 йилдан буён "Sladus Leading" савдо белгиси остида 20 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Бу ерда маҳсулотнинг сифати, таъми, хушбўйлиги, рақобатбардошлигига алоҳида эътибор қаратилади. Корхона мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган "Озиқ-овқат саноати – WorldFood Uzbekistan" халқаро кўргазмасида фаол иштирок этиб, маҳсулотларини истеъмолчиларга тақдим этмоқда, истиқболли шартномалар тузиб, харидорлари сафини кенгайтирмоқда. Корхонада етмиш киши меҳнат қилмоқда.

– Харидорларнинг диди жуда нозик, – дейди корхона ишчиси Ҳалима Тўйчиева. – Бу бизнинг масъулиятимизни янада оширади. Ўтган йили Тошкент иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежини тамомлаб, шу ерда иш бошладим. Тажрибали ишчиларга шогирд тушдим. Корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ замонавий технологиялар ёрдамида бажарилади. Бу коллежларда пухта билим олган ёшларнинг самарали меҳнат қилишида қўл келаётир.

Корхонада тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари хуштаъмлиги, бежирим қадоқланганлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш йил сайин кенгайиб, маҳсулот турлари кўпайиб бораётир.

– Шоколад ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қилишдан олдин экологик тозалиги, сифати ва кафолати, санитария-гигиена ҳолатларига алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди корхона раҳбари Абдусамад Абдуғаниев. – Чунки маҳсулотларимизни катта-кичик – ҳамма истеъмол қилади. Уларнинг саломатлиги биз учун ниҳоятда муҳим. Давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга доимо эътибор қаратиб келмоқда. Бу бизни янада сифатли, ранг-баранг маҳсулотлар ишлаб чиқаришга руҳлантиради.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида "Маънавий-маърифий ва сиёсий етуклик, жамият тараққиётининг гарови" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, олий таълим муассасалари олимлари, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

Кўп ўтмай давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кенг нишонланади. Мана шу давр мобайнида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Фан-таълим, спорт, қурилиш-бунёдкорлик, ишлаб чиқариш, қўйингки, барча соҳаларда юксак натижалар қўлга киритилди ва бу давом этмоқда. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан юксалиб, дунёдаги энг тез ривожланаётган давлатлар қаторида бормоқда. Буларнинг бари юртимиздаги тинчлик ва осойишталик туфайли амалга ошаётгани, бу неъматни нечоғлик муқаддас эканлигини англаш, унинг қадрига етиш лозимлиги тадбирда сўзга чиққанлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мазкур конференциядан кўзланган мақсад, ёшларимиз ва фуқароларимизга юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, унинг ободлиги ва равнақи йўлида хизмат қилиш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини, бунёдкорлик ва эзгу ишларда барчамиз бирдек фаоллик кўрсатишимиз лозимлигини тушунтириш, республикамизда амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини илмий ва амалий жиҳатдан асослаш, фикрлар хилма-хиллигини шакллантириш, юртдошларимизнинг маънавий, ҳуқуқий, мафкуравий маданиятини ривожлантиришдан иборат.

Дарҳақиқат, юртимиз келажаги бўлган ёшларни билимли, маърифатли, жисмонан ва ақлан етук қилиб вояга етказиш, ижтимоий ва сиёсий жараёнларга теран кўз билан қарайдиган қилиб ўстиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тадбирда келажак авлодни вояга етказишда уларнинг тарбиясига эътиборли бўлиш, миллий қадриятлар, Ватанимиз равнақи йўлидаги эзгу ғояларни сингдириб бориш, интеллектуал жиҳатдан етук, кенг дунёқарашга эга бўлган, турли иллатлар ва ёт ғояларга қўшилиб қолмаслигини таъминлаш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири эканлиги борасида сўз юритилди.

Конференцияда муҳокама қилинган мавзулар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, иштирокчиларнинг саволларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Самариддин ХУСАНОВ

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартда қабул қилинган "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Учтепа туманидаги "Бешқайрағоч" маҳалласида ҳам муқобиллик асосида ўтказилди.

Ушбу сайловда фуқаролар йиғини раиси лавозимига уч нафар номзод қўйилди. Номзодлар дастурида маҳалла ободлиги, ҳудудда бунёдкорлик ишларини кучайтириш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича таклифлар ўрин олган.

Номзодлар орасидан Ўткир Ҳайдаров энг кўп овоз олиб фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланди.

Маҳалла маслаҳатчилари лавозимига эса 18 нафар номзод тавсия этилди ва шундан тўққиз нафари сайланди.

– Туманимиз маҳаллаларида бўлиб ўтган сайловларда ҳаётий тажрибага эга, ташаббускор ва аҳоли орасида ҳурмат-эътиборга эга инсонлар сайланди, – дейди маҳалла фаоли Тўлқин Ҳайдаров. – Маҳалламиз асосан ерлик аҳоли ҳисобланиб, ўзбекона қадриятларимиз, ёшлар тарбиясига ниҳоятда катта эътибор қаратилган. Мазкур сайлов ҳам очиқ-ошкоралик тарзида ўтказилган бўлиб, Ўткир Ҳайдаровнинг фуқаролар йиғини раиси лавозимига бир овоздан сайлангани унга бўлган катта ишончдан далолат.

Дарҳақиқат, сайлов жараёнида, Ватанимиз тараққиёти учун жонкуяр, ўзгаларни ортидан эргаштира оладиган номзодларнинг маҳалла раиси лавозимига сайланиши юртимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ АВЛОД ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси "Истиқбол" ёшлар қаноти томонидан ташкил этилган "Ёш сиёсатчи – 2016" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Х.Бобохонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг замонавий билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намойиш этиши учун зарур шароит яратиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Ёш сиёсатчи" кўрик-танлови навқирон авлоднинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролик масъулиятини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида энг иқтидорли деб топилган 12 нафар йигит-қиз иштирок этди.

– Мазкур кўрик-танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар йилдан-йилга ортиб бормоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Истиқбол" ёшлар қаноти фаоли У.Бектемиров. – Бу иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини бойитиш имконини беради.

Ёш сиёсатчиларнинг чиқишлари ҳакамлар томонидан баҳолаб борилди. Тошкент фармацевтика институти талабаси Абдувоҳид Фазлиддинов биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

"Энг зукко иштирокчи", "Энг яхши иштирокчи", "Энг яхши нотиқ" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ш.МАМАТУРОПОВА

Тиббиёт

ШИФОКОРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Пойтахтимизда неврологиянинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент Тиббиёт академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда АҚШ, Германия, Италия, Нидерландия, Швеция, Литва ва бошқа давлатлардан мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мамлакатимиз тиббиёт тизимига жаҳон тиббиётининг илғор усуллари изчил татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимизда аҳолига неврология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилма яратилган. Бирламчи тиббий муассасалар, туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят шифохоналарида невропатологлар кўриги йўлга қўйилган. Шошилинч тиббий ёрдам тизими ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида бу соҳада жаҳон тиббиёти ва илм-фанининг илғор усуллари бўйича тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Магнит резонанс ва компьютер томография сингари янги тиббий технологиялар, лаборатория текширувлари жараёнида нейрофизиологик ва биокимёвий таҳлил усуллардан самарали фойдаланилаётгани самарасида хасталикларга эрта босқичдан ташхис қўйиш, беморларни соғлом ҳаётга қайтаришга эришилмоқда.

Бу йўналишда жаҳон тиббиётининг янги усулларини ўзлаштириш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги етакчи клиникалар ва халқаро ташкилотлар билан изчил ҳамкорлик қилинмоқда. Халқаро неврологлар федерацияси, Европа инсультга қарши курашиш жамияти, Паркинсонизм ва ҳаракат бузилиши касалликларининг олдини олиш бўйича халқаро уюшма ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар бунга мисолдир. Ушбу ҳамкорлик неврологияга оид илмий изланишларни кенгайтириш, мутахассислар малакасини ошириш, янги тиббий технологияларни ўзлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

– Ўзбекистонда тиббиёт тизими йилдан-йилга такомиллашиб, янгиланиб бормоқда, – дейди Каунас университети қошидаги неврология маркази директори, профессор Антанас Вайткус (Литва). – Анжуманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, илм-фан ва тиббиёт янгиликлари хусусида ўзаро тажриба алмашдик.

Халқаро анжуманда жаҳон тиббиёти ва мамлакатимиз илм-фани эришаётган муҳим ютуқлар, асаб касалликларига ташхис қўйиш ва даволашнинг янгича усуллари, инсульт, Альцгеймер ва Паркинсон касаллиги, эпилепсия ва бошқа нейродегенератив касалликларни даволашнинг замонавий технологияларига оид маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида Тошкент Тиббиёт академиясида мамлакатимиз олимлари ва хорижлик мутахассислар иштирокида ёш тадқиқотчилар ва талабалар учун неврологиянинг долзарб масалалари бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи таълим муассасаси ошхонасини ижарага бериш юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 15 августга қадар қабул қилинади.

Телефонлар: 216-76-16, 216-22-14.

XALQ BANKI

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

АТ Халқ банки планшетлар ва термопринтерлар харид қилиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Танлов савдоларида маҳаллий фирмалар, ташкилотлар, шунингдек, таклиф этилаётган хизматларни кўрсатувчи ва ёки уларнинг авторизациясига эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

2. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони:

Акциядорлик тижорат Халқ банки. 100000, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 3-уй. Телефон: (99871) 120-17-81, 120-17-49 e-mail: marketing@xb.uz.

3. Танлов мақсади: "Планшетлар ва термопринтерлар сотиб олиш".

4. Танлов савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек душанба-жума кунлари соат 9-00 дан 18-00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.

5. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) **2016 йилнинг 30 июнь куни соат 17.00 га қадар** қабул қилинади.

6. Тақдим этилган тижорат таклифлари танлов шартларига жавоб бермаган тақдирда, ушбу ташкилотлар мазкур танловда иштирок этмайди.

Хизматлар лицензияланган

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 10 июндаги 118-сонида чоп этилган эълонга қуйидаги ўзгартириш киритилмоқда.

2016 йил 20 июлдаги танлов 2016 йил 13 июлга кўчирилмоқда.

Миробод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси пульмонология бўлими бошлиғи Малика Кудратовна Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси

Латифа ая ҚАЮМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида йилдан-йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва якка тартибдаги турар жойлар ҳамда тадбиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бугунги кунда, баъзи тадбиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга зид равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, бино-иншоотларни барпо этиш, шунингдек, тасдиқланган лойиҳадан четга чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойларда ўзгартиришлар қилиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли ҳамда 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарорларига асосан, Тошкент шаҳрида нотурар жой объектлари ва якка тартибда қурилган уй-жойлар ҳамда кўп қаватли турар жой биноларида ва ён атрофида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари ва ҳужжатсиз барпо этилаётган бино-иншоотларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича туман ҳокимликлари қошида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, ноқонуний равишда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ва қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларсиз савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда турар жой бино-иншоотлари қурган ёки қайта таъмирлаган тадбиркор ва фуқаронинг қонун олдида жавобгар бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий ва жиноий жазо чоралари қўлланилиши ҳақида огоҳлантиришимиз лозим.

Азиз ҳамшаҳарлар, ҳар хил кўринишдаги қурилмаларни қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ер участкаларида ва қурилиш ишларига рухсат берувчи рухсатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришни унутманг. Бу билан Сиз қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Кўчмас мулк объектларини давлат кадастр рўйхатидан ўтказинг!

Тошкент шаҳрида кўчмас мулкка бўлган талаб кундан кунга ортиб, мулкдорлар сафи кенгаймоқда. Шу билан бирга, ушбу кўчмас мулк объектларига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни қонунда белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин, айрим мулкдорлар томонидан ўзларига тегишли бўлган кўчмас мулк объектини давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш мажбурийлиги ҳақида билишадими?

Бугунги кунда, айрим мулкдорлар фойдаланишидаги ер майдонлари ва бино-иншоотларига бўлган ҳуқуқларни ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказмаганликлари оқибатида, ер ва мулк солиғи тушумларида ноаниқликлар, кўчмас мулк объектлари билан боғлиқ битимларни тузиш борасида банк муассасаларига ва давлат нотариал идораларига маълумотномалар тақдим этишда муаммоларга дуч келинмоқда. Ушбу муаммоларни тезда ижобий ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддаси, Ўзбекистон Республикаси "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Низомга асосан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сонли "Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда барча турдаги маълумотномалар бериш хизмати бепул амалга ошириб борилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Ягона дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Қарорига асосан 2016 йил 1 январдан бошлаб, "Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси "Бир ойна" бўлими томонидан қуйида келтирилган ҳизмат турлари бўйича яъни; электрон ва ёзма кўринишида

1. Юридик шахсларга тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва гувоҳнома бериш.

2. Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва гувоҳнома бериш.

3. Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар бўйича расмийлаштирилган гаров (ипотека) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш хизматлари, Тошкент шаҳрида жойлашган барча туман ҳокимликлари қошида тузилган "Ягона дарча" марказлари орқали электрон ва ёзма кўринишида қабул қилинаётганлигини билдирамиз.

Азиз ҳамшаҳарлар, битимлар асосида олинган кўчмас мулкингиздан фойдаланишдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда ер участкаси ёки бино-иншоотга бўлган ҳуқуқингизни давлат кадастр рўйхатидан ўтказишни унутманг. Бу билан Сиз Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Ўзингизни қизиқтирган қўшимча савол ва таклифларингизни **www/kadastr/uz** ҳамда **www/odnookno/uz** интернет саҳифалари орқали ёки бевосита ойнинг ҳар ҳафтаси шанба кунида Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси биносида ўтказиладиган "Очиқ эшиклар куни" тадбирида беришингиз мумкинлигини ҳамда 239-35-21 рақамли "Ишонч телефони" фаолият юритаётганлигини маълум қиламиз (манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй.)

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР! ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сизларни қуйидаги давлат акциялари пакетларининг биржа савдоларига таклиф этамиз! Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан биржа савдоларига чиқарилган "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларида турган Халқаро инвестиция форумида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича Комиссиясининг ва акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2016 йил 15 февралдаги қўшма мажлиси 1-сонли баённомаси ва Давлат тендер комиссиясининг 2016 йил 4 апрелдаги 02-02-13-22-сон билан тасдиқланган баённомасига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг 2016 йил 23 мартдаги 1718/02-11-сонли топшириқ хатига асосан дастлаб қўйилган (бошланғич) нархларига нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ҳолда сотиладиган давлат акциялари пакетларининг

РЎЙХАТИ

№	Жамият номи	Савдога чиқарилган давлат акция пакети	Бошқарманинг буйруғи рақами ва санаси	Давлат акциялар пакетларининг бошланғич нархи	Бошланғич нархларига нисбатан 10 фоизга пасайтирилган нархлари
1	"Respublika Mulk Markazi" АЖ	34	№ 134 к-ПО 13.08.2015	1 568 627 339 сўм	1 411 764 605,10 сўм
2	"SOFPLASTITAL" АЖ	30	№ 135 к-ПО 14.08.2015	33 352 865 699 сўм	30 017 579 129,10 сўм
3	"GAZAVTOMATIKA" АЖ	26	№ 156 к-ПО 4.09.2015	3 135 854 300 сўм	2 822 268 870 сўм
4	"Hermes Petrol Sustems" ҚК АЖ ("УзПетрол" АЖ)	49	№ 8 к-ПО 26.01.2016	4 185 599 153 сўм	3 767 039 237,7 сўм
5	"O'zexpomarkaz" Миллий кўргазма компанияси АЖ	38,31	№ 161 к-ПО 28.09.2015	24 968 072,6 АҚШ.Долл	22 471 265,34 АҚШ.Долл
6	"Сувсаноатмаш" АЖ	48,20	№ 162 к-ПО 30.09.2015	7 321 702,64 АҚШ.Долл	6 589 532,38 АҚШ.Долл
7	"Kafolat sug'urta kompaniyasi" АЖ	15,5	№ 163 к-ПО 30.09.2015	3 317 783,04 АҚШ.Долл	2 986 004,74 АҚШ.Долл
8	"Aloqa Bank" АЖ	47,54	№ 30 к-ПО 14.03.2016	42 704 529 АҚШ.Долл	38 434 076,10 АҚШ Долл
9	"Turonbank" АЖ	63,1	№ 179 к-ПО 27.10.2015	29 941 691 АҚШ.Долл	26 947 521,90 АҚШ.Долл
10	"O'zagrosug'urta" АЖ	24,6	№ 181 к-ПО 27.10.2015	7 357 595,52 АҚШ.Долл	6 621 835,97 АҚШ.Долл
11	"Xalqaro Hamkorlik Markazi" АЖ	29,9	№ 1 к-ПО 14.01.2016	32 424 000 АҚШ.Долл	29 181 600 АҚШ.Долл

Қўшимча маълумотлар "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92.
E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳри бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Спорт янгиликлари



СПОРТЧИЛАРИМИЗ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Таэквондо шарқ яккакураш санъатининг энг қадимги турларидан бири ҳисобланиб, "қўл ва оёқ билан ҳаракат қилиш" санъати маъносини англатади. Тарихий манбалардан яхши маълумки, таэквондо санъати худди Хитойда кунг-фу ҳамда Японияда каратэ сингари Корея ярим ороллари да мустақил тарзда шаклланган.

Бугунги кунга келиб, дунёда таэквондонинг ITF ҳамда WTF йўналишлари мавжуд. Бутунжаҳон таэквондо федерациясига 1973 йилда асос солинган бўлиб, айни пайтда катта мавқега эга ушбу ташкилотга дунёнинг 206 мамлакати аъзо ҳисобланади. 1979 йил таэквондонинг WTF йўналиши халқаро Олимпия қўмитаси томонидан тан олинди. Сиднейда бўлиб ўтган XXVII ёзги Олимпия ўйинларида таэквондо илк маротаба дастурдан жой эгаллади.

Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси 1993 йил 6 августда таъсис этилган ва шу йилнинг ўзида Бутунжаҳон таэквондо федерациясига аъзо бўлди. Ўтган давр мобайнида спортчиларимиз спортнинг бу тури бўйича йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Куни кеча Италиянинг Венеция шаҳрида ёшлар ва катталар орасида таэквондо ИТФнинг WASCO туркумида 10-Жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Ушбу дунё биринчилигида вакилларимиз бу гал умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Турли ёш тоифаларида 50 нафар спортчи билан иштирок этган делегациямиз массоги ва тил йўналишлари бўйича жами 22 та олтин, 16 та кумуш ва 34 та бронза медалларини қўлга киритишди. Ушбу медаллар Ойноз Ғаниева, Беҳруз Шониёзов, Умиджон Ғаниев, Абдуғофур Эргашбоев, Суҳроб Комилов, Аваз-бек Назаров, Дилноза Муҳаммадалиева, Фурқат Бозоров, Баҳодир Ҳолбеков, Шоҳжаҳон Бурҳонов, Абдуазим Исроилов, Абдурауф Ирисбоев, Жасур Салимов, Ойбек Мирзоҳедов, Ҳасан Раҳмонов, Абдуғофур Абдуллаев ва Фарангиз Алиевага насиб этди.

— Ҳар гал мусобақага кетаётганимизда Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келишни ният қиламиз, — дейди таэквондо бўйича таниқли мураббий Бахтиёр Исроилов. — Билдирилган ишончни оқлаш нияти ёшларимизни доим руҳлантириб, кучига куч қўшиб келмоқда. Бунга юртимизда спортчилар учун яратилаётган шароитлар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон ёшлари жаҳондаги тенгдошларидан кам эмаслигини ва кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ЎСМИРЛАРИМИЗ СИНОВ АРАФАСИДА

Жорий йилнинг 15 сентябрь – 2 октябрь кунлари Ҳиндистон футбол бўйича 16 ёшли ўсмирлар ўртасида уюштириладиган Осиё чемпионатига мезбонлик қилишини мухлислар яхши билишади.

Ўсмирлар ўртасида ташкиллаштириладиган қитъа биринчилигида Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси қуръа натижаларига кўра КХДР, Яман ва Таиланд терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган. Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашишга аҳд қилган Темур Олимхўжаев шогирдлари жиддий синов арафасида туришибди. Яъни, Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайти хабарига кўра 25-27 июнь кунлари Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Минск шаҳрида ўқув-машғулот йиғинида иштирок этади. Машғулот доирасида Ўзбекистон ҳамда Беларусь ўсмирлар терма жамоалари ўртасида 2 та назорат-ўртоқлик учрашуви уюштирилади. Дастлабки баҳс 25 июнь куни бўлиб ўтса, орадан икки кун ўтиб мазкур ўсмирлар терма жамоалари ўзаро яна беллашадилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Греция пойтахти Афина шаҳрида енгил атлетика бўйича "Filothei Women Gala – 2016" халқаро мусобақаси ўз якунига етди.

СОВРИНДОРЛАР ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Унда иштирок этган икки нафар ўзбекистонлик спортчи — Светлана Радзивил ва Надия Дусанова совриндорлар қаторидан жой олди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабар бермоқда.

Светлана Радзивил баландликка сакраш секторида 1,95 метр натижа қайд этиб, олтин медални қўлга киритди. Надия Дусанова 1,93 метр баландликни забт этди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Аввалроқ, Светлана Радзивил ва Надия Дусанова Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритган эди.

ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Леонид Андреев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Владимир Андреев хотирасига бағишланиб ўтказилган мамлакат очиқ чемпионати баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларининг йўлланмаси учун белгиланган меъёрни бажарди.

Ўнкураш баҳсларида иштирок этган маҳоратли спортчимиз якунда 8250 очко жамғарди. Олимпиада йўлланмаси учун белгиланган меъёр эса 8100 очкони ташкил этади.

Таъкидлаш жоиз, XVII Осиё ўйинларининг кумуш медаль совриндори ҳисобланувчи атлетимиз бугунги кунда акаси Павел Андреев қўл остида шуғулланиб келмоқда.

Халқаро дзюдо федерациясининг расмий сайтида жорий йил Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги олимпия ўйинларига йўлланма олган спортчилар рўйхати эълон қилинди.

ИШТИРОКЧИЛАР НОМИ МАЪЛУМ

Қувонарлиси, олимпиада ўйинларининг йўлланмаси учун рейтинг очколари ўйналган мусобақалар якунларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси саккизта йўлланмага эга бўлди.

Унга кўра, эркаклар терма жамоамиз барча еттита (-60, -66, -73, -81, -90, -100, +100 кг) вазнда йўлланмага эга бўлишган бўлса, аёллар терма жамоамиздан Гулноза Матниёзова (-70 кг) қитъавий квота орқали ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган.

Маълумки, олимпиада ўйинларининг йўлланмаси учун рейтинг очколари ўйналган мусобақалар якунларига кўра эркаклар ўртасида ҳар бир вазн тоифасида кучли 22 таликдан, хотин-қизлар орасида эса кучли 14 таликдан ўрин олган спортчилар йўлланма оладилар.

Эслатиб ўтамиз, XXXI ёзги олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган дзюдо кураши бўйича беллашувлар 6 – 12 август кунлари ўтказилади.

Ботир ХЎЖАЕВ

ТАМАКИ ЧЕКИШНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун зарардир. Ҳозирги кунга келиб, дунё миқёсида чекувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Ёшлар ва хотин-қизлар орасида кашандаликнинг тарқалиши эса жуда ачинарли ҳолдир.

Замонавий тиббиёт натижаларига суянган ҳолда шуни аниқ айтишимиз мумкинки, тамаки таркибида йигирмадан ортиқ заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, улар ичида энг заҳарлиси никотиндир. Инсон тамаки чекканда никотин тутун орқали ўпкага, кейин эса қонга сўрилиб, юрак-қон томир тизимига салбий таъсир этади. Қон томирлари торайиб, босим ошади. Юрак уриши тезлашади. Бу ҳолат юрак мускулларининг ишдан чиқишига сабаб бўлади. Бу ҳол тез-тез такрорланавергач, бориб-бориб юрак инфаркти, стенокардия каби касалликлар бошланиши мумкин. Маълумотларга қараганда чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан ўн икки марта кўпроқ юрак-қон томир хасталиклари учрайди.

Тамаки бош мия ҳужайраларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Чекувчида уйқусизлик, бош оғриғи бошланади. Оқибатда эса марказий нерв системаси фаолияти бузилади. Кўп чекадиган киши тез-тез балғам ташлайди. Тез юрса, жисмоний меҳнат қилса, ҳансирайдиган бўлиб қолади. Айрим - ҳолларда кўп тамаки истеъмол қилиш чекувчини руҳий хасталикларга дучор қилиши мумкин.

Тамаки чекиш нафас олиш системасига ҳам зарарли таъсир қилади. Тамаки тутуни таркибидаги заҳарли сақич моддалари турли хил ўпка хасталиклари — бронхит, сил, ҳаттоки саратон касалликларига олиб келиши кузатилган.

Тамаки ҳазм органларига таъсир қилиши натижасида кишида иштаҳа йўқолади, оғизда бемаза таъм пайдо бўлади, сўлак безлари фаолияти бузилади. Сўлак билан ошқозонга тушган никотин кислотаси унинг деворларини зарарлайди. Жигилдон қайнайди. Меъда керагидан ортиқ шира ишлаб чиқаради. Бу эса меъда ўн икки бармоқли ичак яраси каби касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тиббиётда кашанда отадан ёки онадан бўлган бола туғилмай нобуд бўлиши, туғилганда эса ним-жон, касалманд бўлиб туғилиши маълум.

Кашандалик, тамаки чекишга муккасидан кетишлик инсонни кўр бўлиб қолишига олиб келаркан. Тамаки чекувчи томонидан ташқарига чиқарилган тутун таркибида заҳарли моддалар концентрацияси кўп бўлади. Бундай ҳолатда чекмайдиган одамлар ҳам мажбурий равишда чекишга ўрганиб қолишлари мумкин.

Кўпчилик танишларимиз, дўстларимиз билан чекиш тўғрисида баҳслашганимизда улар сиқилганда чекишларини айтиб, ўзларини оқлашга уринишади. Ранг-баранг қутилар қанчалик жилоли бўлмасин, унинг ичидаги оғу эканлигини унутмаслик керак. Тамаки қутисидаги "чекиш соғлик учун хавфли" дейилган ёзувга эса кашандалар деярли ҳеч қачон эътибор беришмайди.

Тамаки чекишни ташлаш учун кишида ирода бўлмоғи лозим. Тўғри, чекишни ташлаган киши аввало анча қийналади, йўтал тутиши, ҳолсизланиши, кайфияти ёмонлашиши мумкин, аммо бу ҳолат тез кунда ўтиб кетади. Ўз саломатлигини ўйлаган киши тамаки чекишни ташлагани маъқул.

Эльвира МАРАКАЕВА,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Тажриба барибир ўз сўзини айтади.

* * *

Баъзи кишилар ипак куртига ўхшайди – ўзининг қўл-оёғини ўзи чирмаб ташлайди.

* * *

Кўрнинг кўзи очилса ҳам жоҳилники очилмайди.

* * *

Қадрини билган хор бўлмас.

* * *

Жанжал учун баҳона топишдан осони йўқ.

* * *

Қўлидан иш келмайдиганлар ғирромлик йўлига ўтиб олишади.

* * *

Таниш-билиш ошда, дўст ишда билинади.

* * *

Мусибат кишини бир лаҳзада букиб қўйиши мумкин.

* * *

Ақл ёшга қарамайди.

* * *

Вақтини қизғанган оқил,
Нақдини қизғанган бахил.

* * *

Кўнгли эгрининг хаёлига тўғри гап келмайди.

* * *

Дид фаросатга боғлиқ.

* * *

Ёмон билан талашиб обрў ололмайсан.

* * *

Оз бўлса ҳам баракаси бўлсин.

* * *

Ким бир лаҳзада мангуликни яратади, кимнинг бутун умри беҳуда ўтади.

* * *

Баъзилар қайси даврада юрса, ўшанинг гапини айтади.

* * *

Инсон билмаган нарсасига қизиқади.

* * *

Қадрсиз меҳнат қаритади.

* * *

Нодоннинг ўзини доно кўрсатишидан-да кулгили ҳол бўлмаса керак.

* * *

Нодоннинг ҳақиқатига ўзидан ўзга ишонмайди.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***17 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***17 июнь*** *ва эрталаб* ***18 июнда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9299
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ